

Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар овозини ўйинлар асосида ривожлантириш

Низомий номидаги ТДПУ
профессор.педагогика фан.номзоди
Аюпова Мукаррам Юлдашевна

Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар овозини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни баратараф этишда ўйинларнинг ахамияти ёритиб берилган.

Таянч тшунчалар: дизартрия, овоз, нутқ, нутқий нафас, интонация, фонетик камчиликлар, овоз баландлиги, овоз кучи, овоз тембри, коррекция, ортофоник машқлар, ўйин.

Дизартрия – нутқ аппарати иннервациясининг органик бузилиши сабабли нутқнинг талаффуз томонидан бузилишидир. Дизартрияда нутқнинг лексик – грамматик томонининг бузилиши асосий бузилиш ҳисобланмайди. Бунда нутқнинг товуш томонидан бузилиши етакчи ўринда туради. Дизартрик болалар нутқи манқаланган, ноаниқ бўлади. Нутқнинг суръати, равонлиги, паузанинг бузилиши, товушларни, сўзларни охирги жумлагача гапирмаслик, сўзларни нутқда ташлаб кетиш ҳоллари дизартрия учун ҳарактерлидир. Дизартрияда овоз паст ёки баланд, монотон, баъзан хириллаган бўлади.

Мактабгача ёшдаги дизартрияли болалар овозини ривожлантириш масаласи логопедик иш тизимининг муҳим вазифаларидан бири саналади. Маълумки, нутқий нуқсонларни баратараф этишда логопед нутқий нафас ва овоз устида иш олиб боради. Бу жараён нутқий нуқсонларни баратараф этишга хизмат қилади.

Мактабгача ёшдаги дизартрияли болалар нутқида фонетик камчиликлар устида иш олиб бориш жараёнида ишнинг бир қисми нутқий интонациядан тўғри фойдалана олишга қаратилади. Ишнинг бу йўналиши овоз баландлиги ва кучини ривожлантириш машқларига замин яратади. Ҳамда овоз тонини идрок этишга, узоқ нутқий нафасни ривожланишига олиб келади.

Дизартрияли болаларда овозни ривожлантириш ва коррекциялаш учун турли хил ортофоник машқлардан фойдаланилади, бу машқлар нафас фаолияти, фонация ва артикуляцияни ривожлантиришга йўналтирган бўлади.

Овоз устида ишлаш артикуляцион гимнастика ва массаждан сўнг олиб борилади. Булар билан бирга яна бўйин мускулларини бўшаштирувчи, бошнинг ҳар томонлама ҳаракатини бажариш бўйича товушларни талаффуз этиш мақсадга мувофиқ ҳисоланади.

Овозни коррекциялаш учун юмшоқ танглай ҳаракатини фаоллаштириш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун сув томчиларни ютиш, йўталиш, эснаш имитацияларини бажариш, қаттиқ атакада “а” унлисини талаффуз этиш машқларини бажариш тавсия этилади. Ушбу машқлар ойна олдида ҳисоб остида ўтказилади. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: тилни орқа қисмини кўзғатиш ва тил ёрдамида танглайни тақиллатиш ҳаракатини бажариш; ихтиёрий ютиш ҳаракатини бажариш; бунда логопед томизғич билан ҳалқумнинг қарши деворига сув томизади, бу вақтда боланинг боши бир оз орқага эгилган бўлади.

Танглай мускулларини мустаҳкамлаш учун уни бўшаштириш ва таранглашишни навбати билан алмаштириш машқларидан фойдаланилади. Болага эснаш ҳаракатининг тугашида “а” товуши талаффуз этиш, оғизнинг катта очик ҳолатида “а” товушини талаффузидан “п” товушига нафасни босим остида ушлаб туриб ўтилади. Боланинг диққати танглай ҳолатини сезишга қаратилади. Шунингдек, овоз кучи тембри ва баландлигини ривожлантириш машқларидан фойдаланилади. Масалан, ўнликлар бўйича овозни кучайтириб тўғри санаш (1 дан 10 гача) ва овозни аста-секин пасайтириб тескарига санаш (10 дан 1 гача) машқларидан фойдаланилади. Овоз тембри, баландлиги ва овоз интонациясини ривожлантиришда турли ўйинлар, эртақларни ролларга бўлиб ўқиш, инсценировкалар катта аҳамиятга эга.

Мактабгача ёшдаги дизартрияли болаларнинг овозини ривожлантириш бўйича мақсадга йўналтирилган тизимли коррекцион-ривожлантирувчи ишларда ўйинлардан ўринли фойдаланиш овоз функциясининг ривожланганлик даражасини оширишга ёрдам беради.

Қуйидаги ўйинлар эса мактабгача ёшдаги дизартрик болалар овозини ривожлантиришга қаратилган:

“Шамол эсяпти” ўйини.

Мақсад: Болаларни вазиятга қараб баланд ва паст овозда фойдаланишга ўргатиш.

Ўйиннинг қисқача мазмуни. Болалар стулчаларда ярим доира шаклида ўтирадилар, логопед шундай дейди: Биз ёзда урмонга сайрга бордик. Дала буйлаб кетяпмиз, қуёш олтин нурларини ҳар томонга сочяпти, енгил шамол эсиб утларни, гулларни тебратяпти. Шамол секин эсяпти, мана бундай: у-у-у, (логопед “у” товушини секин ва чузиб талаффуз этади). Мана боғчага ҳам етиб келдик. Бизлар кўплаб гуллар, мевалар тердик ва боғчага қайтмоқчи бўлдик. Бирданига кўчли шамол эса бошлади. Шамол қаттиқ ғувиллай бошлади: у-у-у... (логопед бу товушни баланд ва узоқ талаффуз этади). Болалар логопедга тақлид қилиб, енгил ва кучли эсаётган шамолнинг овозини тақрорлайди. Сунгра логопед расмларни кўрсатади, болалар эса расм тасвирига қараб, унга таллуқли бўлган овоз кучида шамолнинг овозига тақлид қиладилар.

Методик кўрсатма: Логопед болаларнинг овоз кучини ўзгартиришларига эътибор бериб бориши керак.

“Акс-садо” ўйини

Мақсад: Болаларни паст ва баланд овозда гапиришга ўргатиш.

Ўйиннинг қисқача мазмуни: Болалар 2 гуруҳга ажиратилади. Биринчи гуруҳ болалари ўрмонда адашиб қолган болаларни, иккинчи гуруҳ болалари акс-садони тасвирлайдилар. Ҳар бир гуруҳ хонанинг турли бурчагига жойлашади. Ўрмонда адашиб қолган болаларни тасвирловчи гуруҳ болалари

бошқа гуруҳдаги болаларни (акс-садо гуруҳидаги болаларни) исмини баланд овозда айтиб чақиришади: “Ау,Олим! Ау,Пулат!” Акс садони тасвирловчи болалар худди шу сўзларни паст овозда такрорлашади. Сўнгра қатнашчилар роль алмашинадилар.

Методик курсатма: Болалар ўртоқларининг исмини айтиб чақирганларидан кейин пауза қилишлари, “Акс-садо” га айтган сўзларни такрорлаш учун имконият беришлари керак.

“Баланд-паст” ўйини

Мақсад овознинг баланд-пастлигини ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: Болалар сонига қараб 2-3 жуфт ўйинчоқ олинади. Паст товушга тақлид қилганда шивирлашга ўтиб кетмаслик керак.

Логопед катта ва кичик кучукчаларни кўрсатиб, болаларга шундай дейди: Катта кучук вовилаганда баланд овозда акиллайди вов-вов-вов. Катта кучук қандай акиллаган экан. Болалар баланд овозда вов-вов деб айтадилар. Логопед ўйинни давом эттириб, шундай дейди: Кичкина кучукча паст овозда акиллайди вов-вов. Кичкина кучукча қандай овозда аккилар экан. Болалар паст овозда вов-вов деб айтадилар.

Логопед ҳар иккала кучук ўйинчоғини олиб қўяди ва шундай дейди: Хозир жуда ҳам даққат билан қулоқ солиб ўтиринглар. Кучук пайдо бўлиши билан сиз вов-вов деб айтасиз, аммо адашиб кетмаганлар, катта кучук баланд овозда акиллайди, кичкина кучук паст овозда акиллайди. Худди шу тарзда бошқа ўйинчоқлар билан ўйин ўтказилади.

Болаларнинг ўйинлари қизиқарли, мазмунли бўлиши учун ўйиннинг ҳамма турларидан ўринли фойдаланилса, болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялашда ижобий натижаларга эришилади.

Юқорида келтирилган ўйинлар дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар овози устида ишлаш, ундаги камчикларни коррекциялаш учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, коррекцион-ривожлантирувчи ишларда ўйинлардан фойдаланиш боланинг машғулотларга бўлган қизиқишини оширади ва ўйнаб туриб ўзидаги камчиликларни тўғрилаш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ayupova, M. Yu. "Speech Therapy Publishing House of the National Society of Philosophers of Uzbekistan." (2007).
2. Ayupova, M. Y. "Logopediya. Ozbekiston Respublikasi Oliy va orta maxsus talim vazirligi." *T.: Ozbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti* (2019).
3. Ayupova, Mukarram Y., and Shahnoza M. Amirsaidova. "Meaning of Speech in Mental Development of Child." *Eastern European Scientific Journal* 2 (2018).
4. Ayupova, Mukarram, and Aziza Jumabayeva. "Pedagogical and psychological characteristics of speechimpaired children in preschool education." *Science and Education* 2.5 (2021): 544-549.
5. Ayupova, Mukarram Yu. "Speech Preparation of Preschool Children with Speech Deficiency for School Education." *Journal of Pharmaceutical Negative Results* (2022): 2345-2353.
6. Ayupova, Mukarram Y. "CHARACTERISTICS OF GENERAL AND SMALL MOTOR FUNCTIONS IN CHILDREN WITH DYSARTRIAN SPEECH DEFICIENCY." *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS* 3.02 (2022): 13-21.
7. Ayupova, Mukarram. "On the basis of games for children with speech deficiency literacy teaching." *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.2 (2021): 1496-1501.
8. Sobirxonovna, Maxmudova Madinaxon. "GENEALOGY OF SCHOLARS AFTER THE 15TH CENTURY IN THE STUDY OF SPEECH DEFICIT." *Confrencea* 11.11 (2023): 21-25.
9. Sobirxonovna, Maxmudova Madinaxon. "The genealogy of thoughts of the manifestations of ancient antiquity in the study of the speech deficit of dislaliya." *Confrencea* 11.11 (2023): 17-20.
10. Shukhratovich, Makhmudov Khurshid. "Importance of didactic games in speech development of mentally retarded children." *Asian Journal of Multidimensional Research* 11.11 (2022): 20-23.
11. Shahnigor, Rakhimova Khurshidakhon Sadikovna Khomidova. "FORMATION OF KNOWLEDGE, SKILLS AND COMPETENCES IN THE PROCESS OF TRAINING CHILDREN WITH HEARING DEFECTS TO WORK." *Confrencea* 11.11 (2023): 188-192.
12. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhon, et al. "ESHITISHIDA NUQSONI BO'LGAN BOLALARNING TASNIFI VA TIPOLOGIK XUSUSIYATLARI." *Conference Zone*. 2023.

13. Sadikova, Rakhimova Khurshidakhon. "Features of cochlear implantation rehabilitation." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 11.1 (2023): 333-336.
14. O'ghiloy, Rakhimova Khurshidakhon Sadikova Kurbanova. "CHILDREN WITH LOCAL MOVEMENT DEFECTS." *Confrencea* 11.11 (2023): 226-230.
15. Raximova, Teshaboeva Feruza. "METHODICAL CLUSTER-AS AN INNOVATIVE MECHANISMS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF HIGHER EDUCATION." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.11 (2022): 100-106.
16. Rakhimova, Teshaboeva Feruza. "IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING THE MODULE" SPECIAL METHODS OF TEACHING THE MOTHER TONGUE" IN HIGHER EDUCATION AS A PEDAGOGICAL, METHODOLOGICAL PROBLEM."
17. Тешабоева, Ф. Р. "ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ МОДУЛЯ «СПЕЦИАЛЬНАЯ МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ РОДНОГО И РУССКОГО ЯЗЫКА» В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ." *Образование. Наука. Культура: традиции и современность*. 2022.
18. Sobirkhonova, Makhmudova Madinakhan, and Goyipova Nodira. "Theoretical aspects of the development of academic mobility of future speech therapists in dual education." *Asian Journal of Multidimensional Research* 11.12 (2022): 148-154.